

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc. 04/05.06.2020. Tib.102.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**НУРОВ УБАЙДУЛЛО ИБОДУЛЛАЕВИЧ**

**ЛОР АЪЗОЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИ БИЛАН ОҒРИГАН**  
**ЭГИЗАКЛАРНИ ТАШХИСЛАШ, ДАВОЛАШ ВА РЕАБИЛИТАЦИЯ**  
**ҚИЛИШГА КОМПЛЕКС ЁНДОШУВ**

**14.00.04 – Оториноларингология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2022**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наука (DSc)**

**Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Нуров Убайдулло Ибодуллаевич**

ЛОР аъзолари касалликлари билан оғриган эгизакларни ташхислаш,  
даволаш ва реабилитация қилишга комплекс ёндошув ..... 3

**Нуров Убайдулло Ибодуллаевич**

Комплексный подход к диагностике, лечению и реабилитации  
близнецов с заболеваниями ЛОР-органов ..... 27

**Nurov Ubaydullo Ibadullayevich**

Complex approach to the diagnosis, treatment and rehabilitation  
of twins with diseases of ENT organs ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 55

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc. 04/05.06.2020. Tib.102.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**НУРОВ УБАЙДУЛЛО ИБОДУЛЛАЕВИЧ**

**ЛОР АЪЗОЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИ БИЛАН ОҒРИГАН**  
**ЭГИЗАКЛАРНИ ТАШХИСЛАШ, ДАВОЛАШ ВА РЕАБИЛИТАЦИЯ**  
**ҚИЛИШГА КОМПЛЕКС ЁНДОШУВ**

**14.00.04 – Оториноларингология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2022**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2020.4. DSc/Tib482 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро Давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.sammu.uz](http://www.sammu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Арифов Сайфутдин Саидазимович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Хасанов Саидакром Аскарлович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Холматов Джамол Исроилович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Шамсиев Джахонгир Фазлиддинович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Доғистон давлат тиббиёт университети**  
**(Доғистон)**

Диссертация химояси Самарқанд Давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел.: (+99866) 233-07-66, факс: 66233775(366); e-mail: [sammi@sammi.uz](mailto:sammi@sammi.uz)).

Диссертация билан Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел.: (+99866) 233-07-66, факс: 66233775(366)).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ж.А. Ризаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Г.У. Самиева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**К.Э. Шомуродов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёга келаётган эгизаклар бир-биридан қисқа вақт ўтгач, бир ҳомиладорлик натижасида туғилган икки ва ундан ортиқ наслдир. Улар бир- (монозиготали), икки- (дизиготали) ва кўп-(полизиготали) бўлиши мумкин. Статистик маълумотларга кўра, ўртача эгизаклар барча янги туғилган чақалоқларнинг 2% ини, учталиқ эгизаклар эса барча эгизакларнинг фақатгина 2% ини ташкил этади. Бир хил эгизакларнинг туғилиш эҳтимоли ирсий ва ташқи омилларга боғлиқ эмас ва бу доимий - ўртача 1000 ҳомиладорликдан 3 ҳолатда, яъни 0,3% учрайди. АҚШ касалликларни назорат қилиш ва олдини олиш маркази маълумотларига қараганда, «хар 1000 туғилишга 32,1 эгизак тўғри келади. Бутун аҳоли орасида ХХІ асрда эгизакларга эга бўлиш эҳтимоли 100 тадан 3 тани (тахминан 3%) ташкил қилади»<sup>1</sup>. Шунинг учун ЛОР аъзолари касалликлари билан оғриган эгизакларни ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилиш долзарб бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда яқкаланган туғма юрак нуқсонлари, таянч-ҳаракат тизими, сийдик - таносил аъзолар тизими касалликлари ва шунга ўхшаш патологиялар билан боғлиқ ирсий синдромлар тез-тез учраб туришини ўрганишга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ўз навбатида эгизакларда ЛОР аъзолари патологиясини ўрганиш муаммоси оториноларингологияда етарлича ўрганилмаган муаммо сифатида тавсифланади. Бу бемор эгизакларнинг ЛОР аъзоларининг патологиясини кенгроқ ва чуқур ўрганиш ҳамда ҳаёт сифатини яхшилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантиришни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳоли орасида оториноларингологик касалликларнинг тарқалишини камайтиришга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар ўтказилган ва «...аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларда оториноларингологик касалликларини ташхислаш, даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ҳамда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали ирсий касалликларни юзага келиши ва уларни эрта ташхислаш, этиопатогенетик даволашни амалга ошириш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон

<sup>1</sup> <https://stacks.cdc.gov/view/cdc/100472>; <http://dx.doi.org/10.15620/cdc:100472>

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

«Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.** Эгизаклар орасида ЛОР аъзолари патологиясининг турли жиҳатларини ўрганишга бир неча илмий тадқиқотлар бағишланган бўлиб, хусусан у дунёнинг қуйидаги етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртларида амалга оширилган: “Л.И.Свержевский номидаги оториноларингология илмий текшириш институти (Москва), “Россия Давлат тиббиёт университети” (Москва), “Воронеж Давлат тиббиёт академияси” (Воронеж), ФДУ Оториноларингология илмий ва клиник маркази (Россия), Узоқ Шарқ Давлат тиббиёт университети (Россия), Лондон Импер коллежи (US), Жаваҳарлал Неру тиббиёт коллежи, Аджмер National health statistics Center (АҚШ), Oxford University (АҚШ), University of Washington (АҚШ), University of California (АҚШ), The Australian Society of Otolaryngology Head & Neck Surgery.

Эгизаклар орасида ЛОР аъзолари патологиясининг учраш кўрсаткичлари бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: “Чала туғилган эгизак болаларда эшитиш аъзолари функциясини баҳолаш” (Москва); “Постнатал онтогенезда периферик эшитиш аъзолари функционал ҳолатини ўрганиш” (Москва); “Кўп ҳомилали ҳомиладорликдан дунёга келган болаларнинг ривожланиши, касалликлари ва ҳаёт сифатини баҳолаш” (Воронеж).

Л.А. Ларина ЛОР аъзолари патологиясининг тарқалишини эгизаклар (бир, икки ва бир нечта ҳомилали) ва эгизак бўлмаган болаларда таққослаган. У томонидан кўп ҳомилали ҳомиладорликдан туғилган болаларда (монозиготали ва дизиготали эгизаклар) қуйидаги касалликлар тарқалиш кўрсаткичлари аниқланган: бурун тўсиғининг қийиқлиги (68,5% ва 47,6%), сурункали тубоотит (44,5% ва 49,6%), сурункали тонзиллит (40,7% ва 35,9%), сурункали фарингит (9,3% ва 12,8%), бир ҳомилали ҳомиладорликдан туғилган болаларга қараганда анча юқори бўлган (28,1%, 25,0%, 22,0%, 3,1% мос равишда). Эгизаклар усули ёрдамида ЛОР аъзоларининг функционал ҳолатининг эндоген (генетик) ва экзоген омиллар (ташқи муҳит омиллари) таъсирига боғлиқлиги

---

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <http://otolar-centre.ru/>, <https://www.americashealthrankings.org>, <https://www.healthrankings.org/>, <http://www.fesmu.ru/>, <https://www.imperial.ac.uk/>, <https://www.wikiru.wiki/blog>, <https://www.frontiersin.org>, <https://odr.chalmers.se>, <https://www.mayoclinic.org> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

аниқланган. Олий мия функциялари ҳолати болалик даврида эшитиш ва нутқнинг ривожланиши билан ўзаро боғлиқлиги исботланган. Болаларда эшитиш текширувнинг субъектив усуллари натижалари олий мия функциялари ҳолатига боғлиқлиги илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Бу омиллар эгизакларда эшитиш патологиясини ташхислашда олий мия функциялари ҳолатини баҳоловчи психологик тестлардан фойдаланиш учун тавсия бўлиб хизмат қилади. [Лебедева С.Ю. 2018, Ганина Н.В. 2000].

Ҳозирги кунда бир қатор оториноларингологик муаммоларни ўрганишда олимлар эгизаклар усулидан фойдалана бошладилар [Lorelei A. Mucci, Jacob V. Hjelmborg 2019, Chescheir, N.C. 2015;]. Бироқ, бу тадқиқотларда ягона ҳолатлар натижалари келтирилган. Эгизаклар орасида оториноларингологик патология ҳолатини таҳлил қилиш бўйича умуман маълумотлар йўқ.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кўпгина тадқиқотлар дизиготали (ДЗ) эгизакларнинг бир-бирига ўхшамаслиги ва оддий сибслар (сиблинглар) каби бир-бирига ўхшашлигини исботлади. Улар ҳар хил жинсли бўлиши мумкин, бир-биридан фенотипик жиҳатдан фарқ қилади ва ҳар доим ҳар хил генотипга эга бўлади. Бироқ кўпгина касалликларнинг патогенезини очиб бериш ва касалликларнинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланишида ирсият ва атроф-муҳит омилларининг ролини баҳолаш учун ушбу гуруҳ болаларида патологияни ўрганиш муҳимдир. Одатда, эгизаклар муддатидан олдин туғилади, улар орасида ўлик туғилиш ва чақалоқлар ўлими юқори бўлишини ҳам инобатга олиш керак. Бир ҳомилали ҳомиладорликдан туғилган болаларга нисбатан эгизакларда интеллект даражаси паст бўлиши, ҳамда монозиготали эгизаклар орасида ақлий ногиронлик учраш даражаси юқори бўлади [Лебедева С.Ю. 2018, Ганина Н.В. 2000].

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси орасида кўп болали оилалар сони, кўп сонли (эгизаклар, уч ҳомилали) ҳомиладорликнинг ортиши тенденцияси кузатилаётганлиги сабабли ошиб бормоқда. Турли хил салбий омилларнинг ҳомиладорликка таъсирини аниқлаш ва эгизакларни эҳтимолий "хавф" даражасига эга бўлган болалар гуруҳига ажратиш бўйича тадқиқотларнинг асосий йўналиши асосли ва долзарбдир. Илмий адабиётларда ирсий ва атрофмуҳит омилларининг юқори мия функцияларининг шаклланишига, боланинг жисмоний ва ақлий ривожланишига таъсирини ўрганиш учун эгизаклар усулининг аҳамияти исботланган [Ситник Н.Г. 2017, Краснопольский В.И.2016, Стасова Ю.В. 20-15], бироқ адабиётларда ЛОР аъзоларининг касалликлари тўғрисида бу борада деярли ҳеч қандай тадқиқотлар олиб борилмаган. Тиббиёт илмига бебаҳо ҳисса қўшишда касалликларнинг келиб чиқишида эндоген омиллар ўртасидаги коррелятив муносабатларнинг боғлиқлигини аниқлаш - бу фақат эгизакларни ўрганиш орқали белгиланиши мумкин.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 03.2018.DSc.007-сон «Бухоро ҳудуди иссиқ иқлими шароитида организмнинг патология олди ва патологик

ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** ЛОР аъзолари касалликлари билан касалланган эгизакларни ташхислаш ва даволашда комплекс ёндашувни оптималлаштириш асосида эгизакларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

эгизакларда эшитиш аъзоси касалликларининг намоён бўлишини эгизак бўлмаган болалар билан қиёсий жиҳатдан текшириш;

эгизаклар ва эгизак бўлмаган болалар орасида юқори нафас йўллари касалликларининг клиник кечишини қиёсий таҳлилини ўрганиш;

ЛОР аъзолари касалликлари билан касалланган эгизаклар ва соғлом эгизакларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш;

эгизаклардан жарроҳлик амалиёти вақтида олинган бурун полипи, ҳалқум ва бодомсимон безлари биоптатларини гистологик текшириш;

сурункали йирингли риносинуситнинг турли шакллари бўлган эгизакларда нейтрофиллар, периферик қон моноцитлари ва организмнинг цитокин статуси ҳолатини функционал фаоллигини баҳолаш;

ЛОР аъзолари касалликлари билан касалланган эгизакларни даволаш самарадорлигини баҳолаш;

ЛОР аъзолари касалликлари билан касалланган эгизакларни текшириш ва даволаш усуллари алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 1120 нафар (шундан: 844 таси эгизаклар ва 276 таси эгизак бўлмаган болалар), ҳамда 35 нафар соғлом болалар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети:** ЛОР аъзолари, экссудат, қон, сийдик, бурун полипи, ҳалқум ва бодомсимон безлари биоптатлари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Илмий тадқиқотда клиник, эндоскопик, бурун функцияларини баҳолаш, аудиологик, лаборатор, нур (рентгенологик, МСКТ, МРТ), морфологик, микробиологик, иммунологик ва статистик тадқиқот усуллари маълумотларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:**

илк бор ЛОР аъзолари касалликлари билан касалланган эгизаклар ва эгизак бўлмаган беморларда ҳаёт сифатини қиёсий баҳолашда уларнинг психоэмоционал ҳолатини таклиф этилган анкета сўровномаси эксперт мезонлари ёрдамида аниқланган ҳамда оториноларингологик текширувлар билан биргаликда касалликларни эрта ташхислаш учун асос бўлиши исботланган.

илк бор эгизак беморларнинг ҳалқум, бодомсимон муртақлар биоптатларида герментатив марказлардаги лимфоцитларнинг пролефератив фаоллиги суст кўринишда бўлиши аниқланган;

илк бор эгизакларда ЛОР аъзоларининг ўткир ва сурункали касалликларнинг хуруж даврида ҳаёт сифати кўрсаткичлари уларни даволаш ўтказилгандан кейинги давр ва соғлом эгизакларга нисбатан ишонарли даражада ёмонлашуви исботланган;

илк бор эгизакларда эгизак бўлмаган беморларга нисбатан эшитишни сенсоневрал заифлашувининг IV даражаси ва карликнинг 2,4 марта кўп

учраши, клиник ва аудиологик жиҳатдан ўз исботини топган;

илк бор эгизакларда сурункали йирингли риносинуситнинг турли шаклларида моноцитлар ва нейтрофилларнинг функционал фаоллигининг пасайиши, эгизак бўлмаган беморларга нисбатан яллиғланишни қўлловчи IL6 ва IL8 цитокинлар кўрсаткичларини ишонарли ортиши, яллиғланишни сўндирувчи IL4 фаоллигини эса паст бўлиши асосланган;

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

ЛОР аъзолари патологияси бўлган беморлар ва соғлом эгизакларни ҳаёт сифатини баҳолаш учун таклиф этилган сўровнома уларнинг дастлабки психоэмоционал ҳолатини ишончли баҳолашда муҳим амалий аҳамиятга эгаллиги исботланган;

эгизаклардан жарроҳлик амалиёти вақтида олинган бурун полипи, ҳалқум ва бодомсимон безлари биоптатларини морфологик текшириш таҳлилинини ўтказиш амалий аҳамиятга эгаллиги асосланган;

эгизакларда ЛОР аъзолари патологияси бўлганда, уларнинг ҳар бирини бир вақтнинг ўзида комплекс даволаш зарурлигининг амалий аҳамияти исботланган;

олинган натижалар асосида соғлиқни сақлашни бирламчи бўғини учун ишлаб чиқилган «Эгизак болаларда оториноларингологик параметрларни таҳлил қилиш» бўйича компьютер дастуридан фойдаланишнинг амалий аҳамияти исботланган бўлиб, у ЛОР аъзолари патологияси бўлган беморларни аниқлаш ва касалликнинг ривожланишини олдини олишда амалий аҳамияти асосланган;

ЛОР аъзолари патологияси бўлган эгизакларни ташхислаш ва даволаш усуллари умумий қабул қилинган стандартлар ҳамда клиник тавсияларга мувофиқ қўлланилиши кераклиги кўрсатилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бир-бирини тўлдирувчи клиник, функционал, аудиологик, нур, иммунологик, морфологик ва статистик тадқиқот усуллари асосида олинган натижалари ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ЛОР аъзолари патологиясининг этиологияси, хавф омиллари, ривожланиш механизми, клиник кўринишларини тушунишни кенгайтирган; натижалар соғлиқни сақлашнинг турли соҳаларида эгизакларда янги тадқиқотлар ўтказиш учун асос бўлиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ЛОР патологияси бўлган эгизакларнинг текширув тактикаси ва даволаш алгоритми, ҳаёт сифатини баҳолаш усуллари, иқтисодий харажатларни камайтиради ва касалликларнинг қайталанишини олдини олади; текшириш ва даволаш тактикаси, аҳолини даволаш ва профилактика чора-тадбирларини таъминлашни тартибга солувчи

норматив ҳужжатларга киритиш бўйича тавсияларнинг ажралмас қисми бўлиши билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сурункали риносинуситни ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ишлаб чиқилган “Эгизак болаларда бурун ёндош бўшлиқларининг яллиғланиш касалликларида моноцитлар, нейтрофиллар ва цитокин статус ҳолатининг функционал фаоллигини баҳолаш методикаси” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 19 январдаги 8н-р/32-сон хулосаси). Натижада эгизак болаларда бурун ёндош бўшлиқларининг яллиғланиш касалликларида моноцитлар, нейтрофиллар ва цитокин статус ҳолатининг функционал фаоллигини баҳолаш асосида ташхислаш мезонларини кенгайтириш имконини берган;

ишлаб чиқилган “ЛОР аъзолари патологияси бўлган эгизакларда ҳаёт сифатини баҳолаш” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 9 мартдаги 8н-р/189-сон хулосаси). Натижада ЛОР аъзолари патологияси ёки улардан бири мавжудлигида эгизакларнинг дастлабки психоэмоционал ҳолатини аниқлаш, шунингдек, даволаниш вақтида ҳаёт сифатини баҳолаш сўровномаси ёрдамида мониторинг ўтказиш имконини берган;

олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ЛОР бўлими, Қашқадарё вилояти Косон шаҳар тиббиёт бирлашмаси, Бухоро вилояти Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва Навоий вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази клиник амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 9 сентябрдаги 8н-д/290-сон хулосаси). Натижада эгизаклардаги касалликларни аниқлаш, ташхис қўйиш, даволаш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та хорижий ва 6 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 9 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 174 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб ўтилган,

тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Эгизакларда ЛОР аъзолари касалликларини ўрганишнинг ҳозирги ҳолати. ЛОР аъзолари патологияси бўлган шахсларда ҳаёт сифатини баҳолаш (адабиётлар шарҳи)” деб номланган биринчи бобида кўп ҳомилали ҳомиладорлик ва эгизаклар ҳақида умумий фикрлар келтирилган, эгизакларда ЛОР аъзолари патологияси тарқалиши, этиологияси, шаклланиш хусусиятлари, клиник кечиши, ташхислаш ва даволаш бўйича замонавий маълумотлар таҳлил қилинган. ЛОР аъзолари патологияси бўлган беморларда ҳаёт сифатини баҳолашни тавсифловчи илмий манбалар таҳлили олиб борилган.

Диссертациянинг “**Материалнинг умумий хусусиятлари ва тадқиқот усуллари**” деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг асосий материаллари ва усуллари баён этилган.

Тадқиқот 1999 йилдан 2018 йилгача Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро Давлат тиббиёт институти “Оториноларингология ва офтальмология” кафедрасида олиб борилган.

Диссертациянинг клиник материалларига 1120 та ЛОР аъзолари касалликлари билан касалланган, янги туғилган даврдан 16 ёшгача булган болалар (ўртача ёши  $8,6 \pm 1,4$  ёш) киритилган. Текширилганлар орасида қиз болалар - 511 та (45,6%), ўғил болалар – 609 та (54,4%)ни ташкил этган. Барча беморлар 2 гуруҳга бўлинган.

Асосий гуруҳ туғилган даврдан 16 ёшгача бўлган 844 та ЛОР аъзолари патологияси бўлган эгизак болалардан ташкил топган [қиз болалар - 387 та (45,8%), ўғил болалар – 457 та (54,2%), ўртача ёши  $7,3 \pm 1,1$  ёш].


Беморлар орасида бир ҳомилали эгизаклар – 439 та (52%), икки ҳомилали эгизаклар – 297 та (35,2%) ва кўп ҳомилали эгизаклар – 108 та (12,8%) бўлган. Таққослаш гуруҳига ЛОР аъзоларининг патологияси бўлган 276 та эгизак бўлмаган болалар киритилган [қиз болалар – 124 та (44,1%), ўғил болалар – 152 та (55,1%), ўртача ёши  $9,1 \pm 1,5$  ёш].

35 та амалда соғлом болалар назорат гуруҳини ташкил этган.

Болаларни ёш бўйича гуруҳларга бўлишда ЖССТ таснифидан фойдаланилган.

Кузатувнинг барча йилларида беморларнинг мурожаатлари сонидан сезиларли фарқ кузатилмаган. Гарчи беморларнинг мурожаатлари график кўринишда тўлқинсимон бўлса-да, 2001, 2010, 2011, 2014 йилларда беморларнинг мурожаатлари камайиши ва аксинча, уни ортиши 2004, 2008, 2013, 2018 йилларда қайд этилган. (1-расм)

Беморларнинг умумий сонидан 502 (44,8%) нафар беморларда ҳамроҳ ва улар билан боғлиқ касалликлар аниқланган. Гуруҳлар бўйича барча ҳамроҳ ва боғлиқ касалликларни алоҳида таҳлил қилиш асосий гуруҳда – 460 (54,5%) нафар беморларни таққослаш гуруҳидаги 102 та (37%) га нисбатан ишончли кўп учрашини кўрсатган.



**1-расм. Асосий гуруҳ касалларининг 1999-2018 йиллардаги учраш даражаси. Аниқ рақамларда.**

Текширилган болаларга клиник (касалликнинг шикоятлари ва анамнезини ўрганиш, кўринадиган шиллик пардалар ва тери, таянч-ҳаракат тизими, асаб тизими, ички аъзоларининг ҳолатини баҳолаш), оториноларингологик (ЛОР аъзоларини текшириш: отоскопия, олд риноскопия, фарингоскопия, билвосита ларингоскопия, бурун бўшлиғи ва бурунхалқум эндоскопияси), лаборатор (умумий қон таҳлили, сийдик ва эозинофилияга бурун бўшлиғидан олинган суртма таҳлили), нур ( чакка суяклар, бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари МСКТ, МРТ ва рентгенография), функционал (бурун функцияларини ўрганиш – нафас олиш, транспорт, ҳид билиш), аудиологик (аккуметрия, тонал бўсағали аудиометрия, импедансометрия, ОАЭ, ҚЧЭП қайд қилиш), иммунологик (моноцитлар функционал фаоллигини ўрганиш- МФФ, антибиотикларнинг МФФга таъсири, фагоцитлар - нейтрофиллар ва моноцитлар фаоллиги, нейтрофилларнинг кислородга боғлиқ биоцидлиги, кислородга боғлиқ фагоцитоз, нейтрофиллар фагоцитар фаоллиги - НФФ, яллиғланиш цитокинлари - интерлейкин – 6, интерлейкин – 8, яллиғланишга қарши цитокин - интерлейкин - 4), морфологик (гематоксилин-эозин бўяладиган ёруғлик микроскопияси), ижтимоий (ҳаёт сифатини ўрганиш), статистик [Стъудент ишончлилики фарқи мезони (t) ва нормал тақдимотга бўлган маълумотлар учун ишончлилики даражаси (P) ҳисоблаш вариацион статистика усули] усуллари ўтказилган.

Диссертациянинг “Эгизак болаларда эшитиш аъзоси, юқори нафас йўллариининг ҳолати” деб номланган учинчи бобида ЛОР аъзоларининг патологияси билан эгизак ва эгизак бўлмаган, ҳамда соғлом эгизакларни ўрганиш натижалари келтирилган.

Асосий гуруҳдаги 181 та (21,4%) ва таққослаш гуруҳида 86 та (31,2%) беморларда фақатгина 9 та эшитиш аъзоси касалликлари аниқланган. Учраш частотаси тартибида улар асосий гуруҳ ва таққослаш гуруҳида мос равишда қўйидаги шаклда қайд этилган – ЎЎО (51,4% ва 46,5%), СЎЎО (32% ва 30,2%), СНЭЗ (33,7% ва 25,6%), ЭЎО (16% ва 15%), қайталанувчи ўрта отит (11% ва 6,9%), адгезив ўрта отит (7,2% ва 5,8%), ташқи эшитиш йўли фурункули (8,8% ва 9,3%), тимпаносклероз (5,5% ва 4,7%), ташқи кулоқ ривожланишининг туғма нуқсонлари (1,7% ва 1,2 %). Таққосланган гуруҳларда уларнинг учраши фақат қайталанувчи ўрта отит учрашига нисбатан кузатишган.

Эшитиш аъзоси паталогияси мавжуд беморларнинг ёш даври, жинси ва қариндошлик даражаси бўйича тақсимланиши 1-жадвалда келтирилган.

### 1-жадвал

#### Эшитиш аъзоси паталогияси мавжуд беморларнинг ёш даври, жинси ва қариндошлик даражаси бўйича тақсимланиши

Белги	Ёш давлари						ЖАМИ
	1-7 кунлик чақалоқлик даври	7 кун- 1 ёшлик гўдақлик даври	1-3 ёшлик эрта болалик даври	4-7 ёшлик биринчи болалик даври	8-12 ёшлик иккинчи болалик даври	13-16 ёшлик ўспиринлик даври	
Асосий гуруҳ n=181	24	21	31	33	35	37	181
Ўғил болалар	13	12	15	17	16	16	89
Қиз болалар	11	9	16	16	19	21	92
Бир тухумли	10	11	14	16	16	15	82
Икки тухумли	8	9	10	11	10	12	60
Кўп тухумли	6	6	7	6	7	7	39
Таққослаш гуруҳи n=86	12	13	14	15	16	16	86
Ўғил болалар	6	7	8	7	8	7	43
Қиз болалар	6	6	6	8	8	9	43
ЖАМИ	36	39	45	48	49	50	267

Асосий гуруҳда 84 нафар (46,4%) беморда фақат битта, 67 нафар беморда (37%) - иккита ва 30 нафар беморда (16,6%) - эшитиш аъзосининг учта касаллиги аниқланган. Бу гуруҳда бир ҳомилали эгизаклар (82-45,3%) устун бўлиб, кейинги ўринларни икки ҳомилали эгизаклар (60-33,1%) ва кўп ҳомилали эгизаклар (39 – 21,6%) эгаллаган. Таққослаш гуруҳида - 45 (52,3%); 29 (33,7%); 12 (14%) шунга мос равишда жами 113 та (62,4%) асосий гуруҳ беморларида икки томонлама, 86 та (37,6%) - бир томонлама жараён

кузатилган, таққослаш гуруҳида бу бўлиниш 61 та (70.9%) ва 25 та (29.1%) га тўғри келган. Иккала гуруҳда ҳам жинс нисбатларида фарқлар аниқланмаган.

Эшитиш аъзосининг касалликларида, сурункали нейросенсор эшитиш заифлиги (СНЭЗ) ва сурункали йирингли ўрта отит (СЙЎ)дан ташқари, таққосланган гуруҳ беморлари орасида сабаб омиллари, клиник кечиши хусусиятлари, функционал, лаборатор текширувдаги ўзгаришлар таққосланганда гуруҳлар ўртасида фарқлар аниқланмаган.

СНЭЗ ташхиси қўйилган 83 та ҳолатлардан 70 (84.3%) нафарида касаллик алоҳида ва 13 (15.7%) нафарида - ўрта қулоқ патологияси фонидида аниқланган. Шундан асосий гуруҳда мос равишда 53 та (86,7%) ва 8 та (13,3%), таққослаш гуруҳида – 18 та (81,6%) ва 4 та (8,4%) мос равишда келтирилган.

СНЭЗнинг сабабий омилларини таҳлил қилиш, таққосланган гуруҳлар ўртасида фарқлар мавжудлигини кўрсатган. Асосий гуруҳдаги беморларда 14 (26.4%) ҳолатда – қариндошлар орасидаги никоҳ, 14 (26,4%) ҳолатда – аминогликозид антибиотикларини (гентамицин, амикацин, меркацин) қабул қилиш, 8 (15,1%) беморда - бола ЎРВИ билан касалланган, 5 (9,43%)да – туғруқ давридаги жароҳат, 4 (7,55%)да – ҳомиладорлик даврида ЎРВИ билан касалланган она, 4 (7,55%) ҳолатда – резус - фактор конфликт мавжудлиги ва 2 (3,78%) ҳолатда- қизамиқ сабаб сифатида аниқланган. Икки ҳолатда СНЭЗнинг сабабини аниқлаш имкони бўлмаган. Таққослаш гуруҳида сабаб омил сифатида - 3 (16.67%) ҳолатда аминогликозид антибиотикларини (гентамицин, амикацин, меркацин) қабул қилиш, 3 (16,67%) беморда – туғруқ давридаги жароҳат, 2 (11,1%) ҳолатда - ҳомиладорлик даврида ЎРВИ билан касалланган она, 5 (27,78%) ҳолатда – бола ЎРВИ билан касалланган, 2 (11,11%) ҳолатда – резус - фактор конфликт мавжудлиги, 1 (1,8%) ҳолатда – қариндошлар орасидаги никоҳ, 1 (1,8%) ҳолатда - ўтказилган менингит кўрсатилган. Бир ҳолатда СНЭЗнинг сабабини аниқлаш имкони бўлмаган. Асосий гуруҳ беморларида сабабий омил сифатида қариндошлар орасидаги никоҳ таққослаш гуруҳига нисбатан ишончли аниқ кўринган.


Асосий гуруҳда 17 ҳолатда СНЭЗ иккала эгизакларда ҳам топилган. Улардан 12 таси бир ҳомидали ва 5 таси икки ҳомидали ҳомиладорликдан туғилган. Сабаб омил сифатида 9 ҳолатда - қариндошлар орасидаги никоҳ, 3 ҳолатда - аминогликозид антибиотикларини қабул қилиш, 2 ҳолатда - бола ЎРВИ билан касалланган, 1 ҳолатда - ҳомиладорлик даврида ЎРВИ билан касалланган она, 1 ҳолатда - туғруқ давридаги жароҳат, 1 ҳолатда - резус - фактор конфликт мавжудлиги аниқланган. 13 (76.5%) беморда карлик ва 4 (23.5%) эшитиш заифлиги тўртинчи даражаси кузатилган, яъни бошқа беморларга нисбатан СНЭЗ янада оғир кечиши аниқланган.

Таққосланган гуруҳларда СЙЎ қайталаниши ва хуружи муносабатларида фарқланиш бўлган. Асосий гуруҳда ўртача қайталаниш кўрсаткичи  $4,05 \pm 0,32$  ни, таққослаш гуруҳида эса  $1,04 \pm 0,11$  ( $P < 0,05$ ) ташкил этган. Асосий гуруҳнинг 23 нафар беморларида СЙЎнинг хуружи кузатилган, улардан 19 ҳолатда шошилини ҳолат асосида қулоқни санацияловчи жарроҳлик амалиётининг турли вариантлари бажарилган. Таққослаш гуруҳидаги беморларда худди шундай ҳолат 7 ҳолатда кузатилган

бўлиб, улардан 5 ҳолатда шошилиш кулоқни санацияловчи жарроҳлик амалиётининг турли вариантлари бажарилган.

Эшитиш қобилиятининг бузилиш даражасини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиш, эгизаклар орасида эшитиш қобилиятининг оғирроқ даражаларини тез-тез аниқланишини кўрсатган. Асосий гуруҳда беморларининг 14.9% да эшитиш заифлиги IV даражаси ва 9.9% да карлик, таққослаш гуруҳида эса бу касалликлар мос равишда фақат 7% ва 3.5% беморларда учраган.

Беморларнинг умумлаштирилган аудиограммаси 2-расмда келтирилган.



Бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари касалликлари бўлган жами 523 бемор текширилган ва даволанган, улардан: 432 (82,6%) бемор асосий гуруҳ ва 91 нафар (17,4%) вакили - таққослаш гуруҳи.

Бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари касалликлари билан оғриган беморларнинг ёш даврлари ва жинси бўйича тақсимланиши 2-жадвалда келтирилган.

Иккала гуруҳдаги беморлар орасида бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари паталогиясининг 18 нозологик бирлиги аниқланган. Камайиш тартибида улар асосий гуруҳ ва таққослаш гуруҳида қуйидаги шаклда аниқланган –сурункали

риносинусит (60% ва 67%), аллергик ринит (55,3% ва 60,9%), сурункали катарал ринит (50% ва 34,1%), бурун тўсиғи қийшиқлиги (43,3% ва 42,9%), ўткир риносинусит (40% ва 33%), сурункали атрофик ринит (18,1% ва 23,1%), сурункали гипертрофик ринит (17,1% ва 10,9%), вазомотор ринит (14,6% ва 16,5%), ташқи бурун деформацияси (10,2% ва 7,7%), ўткир ринит (9,5% и 15,3%), бурун чипқони (7,6% и 6,6%), ринолит (2,8% ва 0%), бурун полипи (2,1% ва 0%), бурун тўсиғи қоновчи полипи (1,9% ва 1,1%), ташқи бурун туғма ривожланиш нуқсонлари (1,6% ва 0%), хоаналар атрезияси (1,9% ва 0%), бурун даҳлизи сикози (1,4% ва 1,1%), пешона бўшлиғи остеомаси (0,5% ва 1,1%). Таққосланган гуруҳларда юзага келган фарқ фақат сурункали катарал ринитга нисбатан кузатилган.

## 2 – жадвал

### Бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари касалликлари билан оғриган беморларнинг ёш давлари ва жинси бўйича тақсимланиши

Гуруҳлар	Ёш давлари						Жами
	1-7 кунлик чақалоқ	1йилу 7 кунлик гўдак	1-3 ёш эрта болалик даври	4-7 ёш биринчи болалик даври	8-12 ёш иккинчи болалик даври	13-16 ёш ўсмирлик даври	
<b>Асосий гуруҳ, n=432</b>	9	57	83	88	94	101	432
<b>Ўғил болалар</b>	4	29	44	51	56	61	245
<b>Қиз болалар</b>	5	28	39	37	38	40	187
<b>Бир тухумли</b>	6	31	45	49	52	53	236
<b>Икки тухумли</b>	3	18	24	28	34	34	141
<b>Кўп тухумли</b>		8	14	11	8	14	55
<b>Таққослаш гуруҳи, n=91</b>	3	14	16	17	19	22	91
<b>Ўғил болалар</b>	2	7	9	10	12	14	54
<b>Қиз болалар</b>	1	7	7	7	7	8	37
<b>ЖАМИ</b>	12	71	99	105	113	115	523

Асосий гуруҳда 80 (18,5%) беморда фақат битта, 158 беморда (36,6%) - иккита ва 194 беморда (44,9%) - учта бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари касалликлари аниқланган. Уларнинг аксарияти бир ҳомилали эгизаклар (236 – 54,6%), кейин икки ҳомилали эгизаклар (141 – 32,7%) ва кўп ҳомилали эгизаклар (55 – 12,7%) ташкил этган.

Текширувга ҳалқум патологияси билан 272 бемор киритилган, улардан: 193 таси (80%) асосий гуруҳда ва 79 таси (20%) таққослаш гуруҳида. Асосий гуруҳдаги ўғил ва қиз болалар нисбати бир хил бўлган ва ташкил этган (таққослаш гуруҳи – 1.3:1).

Иккала гуруҳдаги беморлар орасида ҳалқум патологиясининг 14 нозологик бирлиги аниқланган. Камайиш тартибида улар асосий гуруҳ ва таққослаш гуруҳида куйидаги шаклда учраган: ўткир фарингит (61,7% ва 59,5%), ангина (51,8% ва 49,4%), аденоид вегетациялари (48,7% ва 48,1%), сурункали катарал фарингит (46,6% ва 50,6%), сурункали тонзиллит (42,5% ва 49,4%), бодомсимон беги гипертрофияси (42% ва 42%), ўткир аденоидит (24,4% ва 21,5%), сурункали гипертрофик фарингит (19,7% ва 21,5%), паратонзиллит (13,5% ва 11,4%), сурункали атрофик фарингит (4,7% ва 2,5%), ҳалқум орти абсцесси (3,1% ва 2,5%) ҳалқум куйиши (2,6% ва 1,3%), бурунҳалқум ювенил ангиофибромаси (2,1% ва 0%), ҳалқум ёт жисми (1% ва 1,3%).

Таққосланган гуруҳларда ҳалқум патологиясининг учрашида сезиларли фарқ аниқланмаган.

Асосий гуруҳда 71 (36.8%) беморда фақат битта, 83 беморда (43%) - иккита ва 39 беморда (20.2%) - учта ҳалқум касалликлар топилган. Уларнинг аксарияти бир ҳомилали эгизаклар (97 – 50,3%), кейин икки ҳомилали эгизаклар (85 – 44%) ва кўп ҳомилали эгизаклар (11 – 7,7%) ташкил этган

Ҳиқилдоқ касалликлари фақат 50 беморда аниқланган бўлиб, улардан: асосий гуруҳда 38 (76%) бемор ва таққослаш гуруҳида 12 (24%) бемор. Ҳар иккала гуруҳдаги жинслар нисбатида касал ўғил болаларнинг кўп тарқалиши қайд этилган (асосий гуруҳда ўғил ва қиз болалар нисбати 1,4:1, таққослаш гуруҳида – 1,2:1 ташкил этган).

Иккала гуруҳдаги беморлар орасида ҳиқилдоқ патологиясининг 9 нозологик бирлиги аниқланган. Камайиш тартибида улар асосий гуруҳ ва таққослаш гуруҳида куйидаги шаклда учраган: бурма ости ларингити (асосий гуруҳ-5; таққослаш гуруҳи-1), ўткир катарал ларингит (асосий гуруҳ-7; таққослаш гуруҳи-3), ўткир тораювчи ларинготрахеит (асосий гуруҳ-10; таққослаш гуруҳи-4), ҳиқилдоқ усти қопқоғи куйиши (асосий гуруҳ-2; таққослаш гуруҳи-0), сурункали катарал ларингит (асосий гуруҳ-3; таққослаш гуруҳи-1), сурункали гипертрофик ларингит (асосий гуруҳ-2; таққослаш гуруҳи-1), сурункали атрофик ларингит (асосий гуруҳ-2; таққослаш гуруҳи-0), чин овоз бурмалари тугунчалари (асосий гуруҳ-4; таққослаш гуруҳи-1), ҳиқилдоқ папилломатози (асосий гуруҳ-3; таққослаш гуруҳи-1).

Таққосланган гуруҳларда ҳиқилдоқ патологиясининг учрашида фарқ аниқланмаган.

Асосий гуруҳда таққослаш гуруҳига нисбатан турли ЛОР аъзоларининг патологияси биргаликда келиши кўпроқ топилган. Асосий гуруҳидаги 844 беморнинг 799 таси (94.5%)да ҳамда таққослаш гуруҳидаги 276 (178%) беморнинг 178 таси (64,5%)да турли ЛОР аъзоларининг патологияси биргаликда келиши аниқланган.

Улардан энг кенг тарқалгани бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари патологиясининг ЛОР аъзоларининг бошқа касалликлари билан биргаликда келиши кузатилган. Асосий гуруҳда бу комбинация 588 (73.6%) беморларда, таққослаш гуруҳида – 111 (62.4%) да топилган.

Бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари патологиясининг эшитиш аъзоси касалликлари билан биргаликда келиши асосий гуруҳда 187 (31,8%) беморда, таққослаш гуруҳида – 34 беморда (30,6%) аниқланган.

Иккала гуруҳда ҳам буруннинг сурункали патологияси ва бурун ёндош бўшлиқларининг сурункали касалликлари эшитиш аъзосининг сурункали патологияси билан биргаликда келиши устунлиги кузатилган. Ўткир эшитиш патологияси эса ўткир бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари касалликлари комбинациясида кўпроқ учраган.

Бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари патологиясининг ҳалқум касалликлари билан биргаликда келиши асосий гуруҳда 248 (42,2%) беморда, таққослаш гуруҳида – 45 беморда (40,5%) аниқланган.

Иккала гуруҳда ҳам буруннинг сурункали патологияси ва бурун ёндош бўшлиқларининг сурункали касалликлари ҳалқумнинг ўткир ва сурункали патологияси билан биргаликда келиши кўпинча тенг кузатилган. Бундан ташқари, ҳалқумнинг ўткир патологияси кўпинча буруннинг ўткир касалликлари билан биргаликда юзага келган.

Бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари патологиясининг ҳиқилдоқ касалликлари билан биргаликда келиши асосий гуруҳда 8 (1,4%) беморда, таққослаш гуруҳида – 4 беморда (3,6%) аниқланган.

Асосий гуруҳдаги 128 беморларда эшитиш, бурун, бурун ёндош бўшлиқлари (БЁБ) ва ҳалқум патологиясининг биргаликда келиши аниқланган.

Таққослаш гуруҳида фақат 19 беморда эшитиш, бурун, бурун ёндош бўшлиқлари ва ҳалқум патологиясининг биргаликда келиши кузатилган.

Асосий гуруҳда 799 беморларнинг 211 нафарида (26,4%) бурун ва БЁБни жалб қилмасдан ЛОР аъзоларининг турли патологияларининг комбинацияси аниқланган. Уларнинг 198 нафарида (93,8%) эшитиш аъзоси ва ҳалқум патологияси комбинацияси юзага келган ва у қуйидаги шаклда намоён бўлган:

– эшитиш аъзосининг ўткир патологияси ҳалқум ўткир ва сурункали касаллиги билан биргаликда келиши кўпроқ учраган;

– эшитиш аъзосининг сурункали патологияси асосан ҳалқум сурункали касаллиги билан биргаликда учраган;

Эшитиш аъзоси ва ҳиқилдоқ патологиясининг комбинацияси алоҳида кузатилмаган.

Ҳалқум патологиясининг ҳиқилдоқ касалликлари билан биргаликда келиши асосий гуруҳда 13 (6,2%) беморда, таққослаш гуруҳида – 7 беморда (10,4%) аниқланган.

Кўпинча ҳалқум ва ҳиқилдоқнинг ўткир касаллиги, шунингдек, сурункали ҳалқум ва ҳиқилдоқ патологияси билан комбинацияси учраган.

Асосий гуруҳдаги 17 ва таққослаш гуруҳининг 9 беморида ЛОР аъзоларининг турли патологияларининг комбинацияси аниқланган.

**Диссертациянинг “Танглай ва ҳалқум муртақлари тўқималарининг морфологик тадқиқотлар натижаси. Сурункали йирингли риносинусит билан оғриган эгизаклар организмидаги периферик қонда моноцитлар ва цитокинлар даражаси, нейтрофиллар функционал фаоллиги кўрсаткичлари”**

деб номланган тўртинчи бобида сурункали риносинусит билан касалланган эгизакларда периферик қон нейтрофиллар ва моноцитларнинг функционал фаолият кўрсаткичлари, цитокинлар даражаси ҳамда танглай ва ҳалқум муртаклари тўқимасининг морфологик текшириш натижалари келтирилган.

ЛОР аъзолари патологиясида морфологик ўзгаришларнинг хусусиятларини ўрганиш учун морфологик тадқиқотлар ўтказилган: сурункали тонзиллитда амалга оширилган тонзиллэктомия давомида олинган 76 нафар (51 – эгизаклар ва 25 нафар – эгизак бўлмаган болалар) бодомсимон беши гистологик препаратларида, сурункали тонзиллитнинг II даражали токсик-аллергик шаклида кўп ва оддий шаклида эса кам морфологик ўзгаришлар аниқланган.

Аденоид вегетацияси туфайли ўтказилган аденотомия пайтида олинган 106 нафарида (80 – эгизаклар ва 26 нафар – эгизак бўлмаган болалар) бурун-ҳалқум муртаклари гипертрофияси ва сурункали яллиғланишнинг мавжудлиги морфологик ўзгаришларнинг табиатини белгиловчи асосий омиллар бўлган. Уларнинг мавжудлигида тўқималарнинг морфологик тузилмаларида энг аниқ патологик ўзгаришлар аниқланган.

Барча 17 ҳолатлардаги (14 эгизак ва 3 эгизак бўлмаган) бурун полипини морфологик текшириш асосида унинг шишли шакли аниқланган.

Касалликнинг оғирлигидан қатъи назар, эгизак ва эгизак бўлмаган беморларнинг танглай бодомсимон ҳамда, бурунҳалқум безлари ва бурун полипларининг морфометрик параметрларини таққослашда фарқлар топилмаган.

Сурункали йирингли риносинусит билан касалланган 122 нафар болаларнинг периферик қон нейтрофиллари ва моноцитларининг функционал фаоллиги, тананинг цитокин статус ҳолати кўрсаткичлари қуйидаги гуруҳларга бўлиниб ўрганилган:

1- гуруҳ - сурункали йирингли риносинусит билан касалланган эгизаклар (n=45);

2- гуруҳ – сурункали йирингли риносинусит билан касалланган эгизак бўлмаган болалар (n=45);

3- гуруҳ - соғлом эгизаклар (n=16);

4- гуруҳ - соғлом эгизак бўлмаган болалар (n=16).

Биринчи ва иккинчи гуруҳлар қуйидаги кичик гуруҳларга бўлинган:

1а кичик гуруҳ – сурункали йирингли пансинусит билан касалланган эгизаклар (n=15);

1б кичик гуруҳ – сурункали йирингли юқори жағ синусит, фронтит ва этмоидит билан касалланган эгизаклар (n=15);

1в кичик гуруҳ – сурункали йирингли юқори жағ синуситли ва этмоидит билан касалланган эгизаклар (n=15);

2а кичик гуруҳ – сурункали йирингли пансинусит билан касалланган эгизак бўлмаган болалар (n=15);

2б кичик гуруҳ – сурункали йирингли юқори жағ синусит, фронтит ва этмоидит билан касалланган эгизак бўлмаган болалар (n=15);

2в кичик гуруҳ – сурункали йирингли юқори жағ синусити ва этмоидит билан касалланган эгизак бўлмаган болалар (n=15).

Умуман сурункали йирингли риносинусит билан оғриган беморларда, шунингдек, алоҳида эгизаклар ва эгизак бўлмаган болаларда моноцитларнинг функционал фаоллигида (МФФ) назорат қийматлари билан таққослаганда ишончли пасайиши аниқланган ( $P < 0,05$ ). Гарчи бу ўзгаришлар эгизакларда эгизак бўлмаган болалардан нисбатан фарқ қилса-да, улар ишончли даражада аҳамиятли бўлмаган ( $P > 0,05$ ).

Худди шундай тенденция моноцитлардаги вирусли қўшимчаларни (МВҚ) аниқлашда топилган: сурункали йирингли риносинусит билан эгизак ва эгизак бўлмаган болаларда бу кўрсаткичнинг ишончли пасайиши назорат қийматлари билан таққослаганда аниқланган ( $P < 0,05$ ). Гарчи бу ўзгаришлар эгизакларда эгизак бўлмаган болалардан нисбатан фарқ қилса-да, улар ишончли бўлмаган ( $P > 0,05$ ).

Риносинуситни даволаш учун амалда энг кўп ишлатиладиган барча антибиотикларнинг (амоксициллин+клавулон кислотаси, цефотаксим, цефтриаксон, ципрофлоксацин) МФФ ва МВҚга бир томонлама таъсири аниқланган - уларнинг барчаси *in vitro* ишончли МФФ бостирган ва МВҚ интенсивлигини оширган.

Касал эгизак ва эгизак бўлмаган болаларнинг МФФ кўрсаткичларидаги фарқлар ишончсиз бўлган ( $P > 0,05$ ).

*In vitro* антибактериал препаратларининг таъсири остида МФФнинг энг аниқ бостирилишини, касал эгизак ва эгизак бўлмаган болаларда цефтриаксон ва ципрофлоксацин таъсирида кузатилиши аниқланган,  $7,6 \pm 0,9\%$ ;  $8,9 \pm 0,9\%$  ва  $7,2 \pm 0,9\%$ ;  $8,7 \pm 1,0\%$  (инкубация билан)  $12,1 \pm 0,8\%$ ;  $13,6 \pm 1,0\%$  ва  $12,0 \pm 0,8\%$ ;  $13,6 \pm 1,0\%$  (инкубациясиз) қарши ва соғлом болаларда  $27,3 \pm 1,1\%$ ни ташкил қилган.

МВҚ тадқиқотига кўра, бир нечта фарқланувчи кўрсаткичлар олинган: масалан, эгизак беморларда цефтриаксон, ципрокс ва амоксициллин+клавулон кислотасининг инкубация билан ва инкубациясиз ҳолатида ишончли фарқлар аниқланган (мос равишда  $42,8 \pm 1,5\%$ ,  $40,6 \pm 1,7\%$  ва  $34,8 \pm 1,5\%$  қарши  $31,1 \pm 1,7\%$ ,  $31,1 \pm 1,8\%$  ва  $31,2 \pm 1,7\%$  инкубациясиз,  $P < 0,05$  -  $P < 0,001$ ), цефотаксимда эса қиёсий натижалар ишончсиз. ( $33,5 \pm 2,0\%$  қарши  $31,3 \pm 1,8\%$  инкубациясиз,  $P > 0,05$ ). Сурункали йирингли риносинусит билан оғриган эгизак бўлмаган беморларда инкубация билан ва инкубациясиз ўзгаришларнинг интенсивлиги бироз пасайган. Барча олинган параметрлар касал эгизакларнинг МВҚ кўрсаткичларига нисбатан камайган.

Беморларда спонтан НСТ- синамасининг кўрсаткичлари соғлом шахсларга нисбатан пасайган, бу нейтрофилларнинг кислородга боғлиқ реактивлигини бостирилишини англаган ( $P < 0,05$ ).

1б ва 1в кичик гуруҳларида спонтан НСТ синамаси параметрининг пасайиши қайд этилган (мос равишда  $6,3 \pm 0,7$  бир. ва  $7,7 \pm 0,8$  бир. қарши  $9,6 \pm 0,8$  бир., ( $P < 0,001$ ).

1а кичик гуруҳидаги бемор болаларда пасайиш кўпроқ ( $5,2 \pm 0,6$  бир га қарши  $9,6 \pm 0,8$  бир.) ишончли бўлган.

Эгизак бўлмаган беморларда худди шу тенденция сақланиб қолган, бу ерда касал болаларнинг параметрлари назорат гуруҳининг маълумотларига

нисбатан ишончли даражада пасайган ( $P < 0,05$ ). Бироқ ўзгаришларнинг интенсивлиги сурункали йирингли риносинуситли эгизакларга қараганда ишончли даражада кам бўлган.

Индукцияланган НСТ синамасининг натижалари бошқа кўринишни кўрсатган. Зимозан билан стимуляция қилинганда, барча ўрганилган кўрсаткичлар деярли барча соғлом ва касал болаларда ортган. Шуни таъкидлаш лозимки, касал болаларнинг параметрлари назорат қийматлари даражасига етган ва улардан ишончли даражада фарқ қилмаган ( $P > 0,05$ ).

Стимуляция даражаси 2.2 ёки ундан кўпни ташкил қилиб, стимуляция индексининг параметрлари билан тасдиқланган. Шуни таъкидлаш керакки, беморларда соғломларга қараганда стимуляция индекси юқори бўлиб, иккала эгизак ва эгизак бўлмаган болаларда ҳам деярли бир хил бўлган. Касал болаларни стимуляция индекси  $2,8 \pm 0,5$  бир.дан  $3,2 \pm 0,6$  бир.гачани ташкил қилиб, текширилган соғлом болаларда ортиқ ( $2,2 \pm 0,4$  бир.) бўлган.

